

**САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК
МУТАХАССИСЛИК ТАЪЛИМИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ
АСОСИДИР**

“Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази” директори,
т.ф.д., доц. Ф.Х.Рахимов, изланувчи М.Х. Дусмухамедова
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақолада ОТМларнинг илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари инновацион ҳамкорлигининг моҳияти, бунда шахс, давлат ва жамият, фан, узлуксиз таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ҳамда бир-бирини тўлдирishiнинг соҳа ривожидagi аҳамияти ёритилган.

В статье излагается сущность инновационного сотрудничества вузов с научно-исследовательскими институтами и производственными предприятиями, освещается значение единства личности, государства и общества, науки, непрерывного образования и производства, а также их взаимовоплощенность в развитии отрасли.

The article describes the content of innovative collaboration of high schools with scientific research institutes and industrial enterprises, enlightens values of the unity of personality, state and community, science, continuous education and manufactory, and their mutual incarnation in the development of branch.

Тараққиётнинг бугунги босқичида соҳалар ва соҳалараро янгилик ва янгиланишларни, яъни инновацион жараёнларни фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали узвий бирлигисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Айниқса, мутахассислик таълимида амалиёт билан узвий алоқадорлигини таъминлаш, бундай боғланиш ва ҳамкорликлар самарасини янада юксалтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436 сонли қарори [1] ҳамда 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори [2] олий таълим тизимида таълим-тарбия, шу жумладан, фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлигини тизимли олиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш учун мустаҳкам методологик замин яратди. Юқоридаги қарорлардан фойдаланиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)нинг 2010 йил 17 мартдаги “Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик

механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 3/2 сонли [3], 25 декабрдаги “Олий таълим муассасалари(ОТМ)да “ОТМ, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш” бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида”ги 13/2 сонли Хайъат қарорлари ишлаб чиқилди ва барча олий таълим муассасаларига, факультетлар, уларнинг мутахассислик кафедралари кесимида таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини “илм орқали билим” бош тамойили талаби даражасида ишни ташкил этиш вазифалари юклатилган.

Бу борадаги вазифаларни бажаришга қуйидагича ёндошган ОТМларда инновацион гуруҳлар фаолиятининг самаралари яққолроқ намоён бўлмоқда. Мутахассислик кафедраларида ҳар йили қайтадан янгиланиб турувчи “*Соҳа корхона ва ташкилотлари (фан ва таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к.) маълумот банки*”, улар ҳар бирининг “*Илмий-техник муаммоларининг ягона ахборот базаси*” шакллантирилиши мақсадли. Чунки ОТМларда ўтказиладиган илмий, илмий-амалий анжуманлар, илмий-семинарлар, корпоратив ҳамкорлик семинарлари, таҳлил, экспертиза, саралаш жараёнларида “*Намунавий мавзулар рўйхати*” келиб чиқади ва аниқ битирув малакавий иш (БМИ), магистрлик (МД) ва докторлик диссертация (ДД)лари ёки хўжалик шартномалари (Х/Ш) тарзида ўқув, ўқув-илмий жараёнлар билан уйғунлашади. Бир сўз билан айтганда, ОТМ қабул квотаси ҳажмидаги ҳар бир таълим-тарбия олувчи талаба ёки магистр ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш йўналишидаги катта илмий ходим-изланувчи тегишли мутахассислик кафедрасида шу соҳа корхона ва ташкилотлари билан шартномавий алоқалар асосида уларнинг илмий-техник муаммоларига жалб этилади, ишлаб чиқариш учун ўта зарур бўлган илмий-техник муаммолар эса хўжалик шартномаси доирасида бажарилади. Соҳа муаммолари қамровида шаклланган ҳар бир ёш мутахассиснинг шу соҳага сингиши жадаллашади ва улар мунтазам янгиланиб борадиган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари банкидан ўз ўрнини топадилар, қолаверса мутахассислик кафедрасидаги инновацион гуруҳга таяниб корхоналар амалий муаммолари, инвестицион лойиҳаларни бажаришга қодир бўладилар.

Инновацион ҳамкорлик доирасида юритиладиган ҳужжатлар (меъёрий ҳужжатлар тарзида таълим тизимига киритилган 10 та шакл) нинг афзаллиги шундаки, мутахассислик кафедрасида 1-шакл (инновацион гуруҳ(лар) тўғрисидаги маълумот) ҳар ўқув йили бошида, 2-шакл (соҳа корхона ва ташкилотлари банкида ўтирган, бевосита шартномавий асосда ишлар йўлга қўйилган ихтисослашувга мос замонавий корхоналар тўғрисидаги маълумот) ва 3-шакл (ихтисослашувга мос замонавий корхоналар илмий-технологик муаммолари тўғрисида маълумот) йилнинг ҳар чорагида, 4-шакл (корхоналар илмий-технологик муаммолари бўйича

йўлга қўйилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида маълумот) ҳар академик семестр бошланишида тузилади. Факультет деканлари бевосита мутахассислик кафедраларининг одатда шу мутахассислик кафедрасининг битирувчилари сонига тенг курс иши, БМИ ва МД ҳажми, катта илмий ходим-изланувчилар ва илмий даражасини ошираётган мустақил тадқиқотчилар сонига тенг ДДлари, бажарилаётган Х/Шлари сони кўрсатилган 4-шакллари ўзлари шакллантирадиган факультет деканлари назоратидаги 5-шаклга жамлайдилар. Институт миқёсида 6 ва 7-шакллар ҳар академик семестр бошида илмий ишлар бўйича проректорда, ОТМлараро маълумотлар қолган 8, 9-шакллар асосида заруратга кўра вазирликнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида жамланади.

Мисол тариқасида институтимизнинг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” мутахассислик кафедрасида мазкур йўналишдаги ишларга назар ташлашни жоиз деб топдик. Штат бирлигида 21 профессор-ўқитувчилар, жумладан 6 нафар фан доктори, профессорлар, 6 нафар фан номзоди, доцентлар фаолиятини жамлаган, илмий салоҳияти 57%ни ташкил этувчи ушбу кафедрада 1 та инновацион (ижодий) гуруҳ режа асосида фаолият кўрсатади. Катта илмий ходим-изланувчилар сони 5 нафар. Юклатилган вазафаларни теран англаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигига доир “*Қарор ва буйруқлар мажмуи*”, “*Соҳа корхона ва ташкилотлари маълумот банки*” (“Ўзбекпахтасаноат” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги “СИФАТ” маркази, “Пахта саноат илмий маркази” АЖ, “Пахтажин КБ” МЧЖ, “Ўзпахтамаш” ОХЖ, “Фан ва тараққиёт” ДУК, ЎЗР Фанлар академиясининг тегишли институтлари, ихтисослашувга мос ОТМ ва КХКлари, 13 та вилоят Пахтасаноат худудий бирлашмалари ва 98 та пахта тозалаш корхоналари), улар ҳар бирининг “*Илмий-техник муаммоларининг ягона ахборот базаси*” шакллантирилган, илмий, илмий-амалий анжуманлар, илмий-семинарлар, корпоратив ҳамкорлик семинарлари, таҳлил, экспертиза, саралаш жараёнларида “*Намунавий мавзулар рўйхати*” келтириб чиқарилган ва жамланган. Кафедра илмий фаолияти устувор йўналишига мос тарзда илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ишлар ва корпоратив ҳамкорликнинг тизимли йўлга қўйилганлиги туфайли нафақат профессор-ўқитувчилари, балки таълим-тарбия олаётган талаба ва магистрлари ҳам соҳанинг муаммолари, соҳадаги модернизация жараёнларининг мазмун моҳиятини биладилар ва у ёки бу даражада уларни ҳал қилишда жалб этилганлар.

Мазкур мутахассислик кафедрасида илмий семинар ишининг режали олиб борилиши, фан, таълим ва ишлаб чиқариш етакчи мутахассислари иштирокида ўтказиладиган илмий-амалий семинар фаолияти, БМИ ва МД жойлардаги химоялари кабилар соҳа интеграциялашув жараёнини жадаллаштирмоқда. Ушбу жараёнлар самарадорлиги кафедранинг сўнгги

(уч йил) йилларда эришилган бир қатор ютуқларда намоён бўлмоқда: грантлар сони – фундаментал 1, амалий 2, инновацион 2. Патентлар 17 та, монографиялар 3 та, илмий мақолалар 57 та, тезислар 100 та, Х/Ш 7 та. Ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланмалар сони 5 та. Дарсликлар 2 та, ўқув қўлланма ва кўрсатмалар 4 та.

Кафедрада соҳа ички кооперациянинг намунали йўлга қўйилганлиги туфайли талабалар малакавий амалиётлари, магистрлар илмий фаолияти узлуксиз равишда ишлаб чиқаришда ўтказилишига эришилган. Бунда ишлаб чиқариш шароитида талабалар мустақил бажарадиган, уларда амалий малака ва кўникманинг шаклланишида асос бўладиган индивидуал топшириқларга алоҳида урғу берилган. “Пахта саноат илмий маркази” АЖ базасидан фойдаланиш магистрларга МД бажаришда кенг имкониятларни очиб берган. Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигида таълим фанларининг дастурлари такомиллаштирилмоқда, уларга мос илмий янгиликлар киритилган адабиётлар яратилмоқда.

Ёндош соҳа кафедралар билан ҳам ҳамкорликда эришилган ютуқлар мавжуд [4-5]. Масалан, мамлакатимиз пахта тозалаш соҳасига мансуб барча пахта тозалаш корхоналарида пахта толаси тойларини жаҳон андозаларига мос янги ўраш тизимида ўтиш жараёни бормоқди. Трикотаж ишлаб чиқариш ва табиий толаларни дастлабки ишлаш соҳалари мутахассислари билан ҳамкорликда пахта толаси тойларини ўраш учун иқтисодий асосланган ўрилган юмшоқ контейнерлар яратилди. Унинг янгилиги патент, технологик регламент, О'зДSt 2867:2014 сонли “Пахта маҳсулоти тойларини ўраш учун айланма тўқимали юмшоқ контейнерлар. Техникавий шарт” ва Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида №SFP 2/2015 рақами билан рўйхатга олинган лицензион шартнома билан ҳимояланган.

Хулоса қилиб айтганда айнан таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ҳар бир соҳа ривожланишининг асосидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436 сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916 сон қарори.

3. ОЎМТВнинг 2010 йил 17 мартдаги “Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 3/2 сонли Ҳайъат қарори.

4. Ф.Х.Рахимов, М.Х. Дусмухамедова. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишнинг гаровидир. Замонавий таълим. 2015 й. №10, 12-19 бетлар.

5. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишнинг гаровидир. Таълим, фан ва инновациялар. 2015 й. №3, 6-10 бетлар.